







Хаммаҳарларимиз

ҚИЙИН ИШНИ ХУШ КЎРАДИ

Ўзбекистонда Алоқа институти ташкил этилганига салкам қирқ йил бўлди. Бу илмий даргоҳни ташкил этиш, ўқув қўлланмалар ва замонавий техника билан жиҳозлашда институт етакчи муаллимларининг хизматлари катталиги шубҳасиз. Ҳамма бундай қийин ишга ўзини уравермайди. Қатъиятли инсонгина ўзини алмайди. Ана шундай қийин ишни хуш кўрадиган меҳнаткаш устозлардан бири Шокир Тожибоевдир.

Ортиқ илмий мақолалар чоп этирди. Унинг бошчилигида биринчи марта зарядлар орқали телетарқатиш иши амалга оширилди, рангилар телевизион намера макети яратилди, энг катта ҳажмга эга матрица ишга туширилди. Олимнинг алоқа соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланиб, у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи ва «Фахрий радист» унвонларига сазовор бўлди. — Ечилигимдан радиотехника қизиқдим, — дейди Ш. Тожибоев. — Мақтабдан ҳар хил радиоқурilmалар исай бошладим. Илмий ишга қизиқишим институтда бошланди. 1955 йили институтда бир гуруҳ ўқитувчилар телемарказ қуришга бел боғланди. Бундан хабар топгач, охири шу гуруҳга қўшилдим. Тошкентда иккинчи телевизион дастури очилди ва рангли телевиденига ўтишга тайёргарлик бошланди. 1961 йили 100 ваттлик тасвир сигнални ҳавога тарқатиш учун телеминорага антенна ўрнатилди керак бўлди. Шу антеннага 150 метр юқориликда ўрнатиб, йиғиб, ишга туширишга муваффақ бўлдим. 1978 йили рангли телевизион камеранинг макетини яратдим. Кейинчалик бу йўналиш кучайиб, телемикроскоп яратилди. Яна бир гап. Шокир Тожибоев республикамизда радио ва телевидение соҳаси бўйича етук олимлардан саналади. Олимнинг янги-янги кашфиёtlари мустақил Ватанимиз учун хизмат қилгани шубҳасиздир. Тоғиб САЪДУЛЛАЕВ.

У телевизор қулони биради. Эcranда хонанда куйларди:

Кўп йилга, менинг жон синглим, Мен ҳам сендек бағри қон, синглим...

Қўшиқ Санамнинг өзилган қалбига яна туз сепгандай бўлди. У қаринида мултираб қараб турган фарзандларига тикилди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди. Кечатан уни еру кўкка ишонайдиган одами бугун уни кетчи-кет деб ҳайдаса. Бундан ҳам ортиқ хўрлик борми дунёда?

Адолат ая қизи Санамни эри билан уришиб неча бор уч боласини етақлаб уйига келганида ҳам босиқлик билан унга бутунчалик қаттиқ таъирланганда. У анчадан бери қўнғида йиғилиб қолган гапларини бутунчалик қизининг юзига солмаганди.

— Тўғри, бу уй сенга бегона эмас. Қизинг қизинг тўқилиб катта бўлган уйинг. Уруш йилларида ҳам одамларимиз ўзга юрт болаларини бағирларига босиб жой беришган, нон беришган, боқиб, тарбиялашган. Болаларингдан ош-нонни алмайман. Сенга не-не жойлардан совчилар келмаганди. «Йўқ, шу йиғитга тегаман», деб туриб олдинг. Ҳаммамиз ҳам бир бўлдик, сен ҳам бир бўлдинг. Шу йиғитга тегибсанки, қизингдан ёш аримайди...

Санам онасига «Бўлди, онамжон, бас қилинг» демакчи бўлди-ю, дегини илдамди. Чунки онаси бу борда ҳақ эди. У аламини йиғидан олди. У ижраларига қўйилиб келатган кўз ёшини арғида-ниғоҳларини ерга қадаганча ҳайла чўмди...

...Ҳаммасига ишхонадан пахта теримига бориш сабаб бўлди. У ўткирни ўша ерда ногаҳон учратиб қолди. Учратиб қолди-ю оромини йўқотди.

Турмуш чорраҳаларида

КЎЗИНГ НЕГА ЁШ, САНАМ?

— Ҳеч қачон ҳеч кимни сизни севганчалик севган эмасман. Сизни кўрдиму, эс-хушимни йўқотдим. Нима десангиз ҳаммасига, ҳаммасига тайёрман. Мабодо, рад этсангиз битта тизмачани оламану ўзимни осаман, уволимга қоласиз.

Ҳали севги кўчасига кирмаган, ҳали йиғитлардан бундай мақтов сўзларни эшитмаган қиз ҳиссиётлар огушида қолганди.

— Пахтадан бораману онамни сизникига совчилмакча юбораман, — деди ўткир.

Ўткир ўз сўзида турди. Улар пахта терими ҳаширидан қайтишгандан сўнг, уч-тўрт кун ўтар-ўтмас Санамлар дарвозаси олдида икки бегона аёл пайдо бўлди. Ўша кун Адолат ая уйда эди. У бориб эшикни очди-ю аёлларга кўзи тушгач қўнғига гашилик чўмди. «Хўйнаҳой Санам айтган йиғитнинг онаси бўлиши керак», қўнғидан ўтказди Адолат ая ҳалиги аёлларни ичкарига таълиф этар экан.

— Маъзур турсангиз янга, «қиз ўғрилики» келди, — деди ҳалиги аёлларнинг каттароғи фотиҳа ўқишгандан сўнг.

— Ҳечқиси йўқ, қизли уй худди карвонсаройга ўхшайди. Биров келади, биров кетади. Лекин тақдир билмайди. Бунинг устига ёш, ҳали уй-жой тутишни биламайди.

— Ҳаммамиз ҳам онамизнинг уйда билмаганимизни қайнонамизнинг уйда ўрганганимиз. Бошига тушса қўқилиб-суқилиб ўрганиб кетади. Келин бўлиб тушадиган хонадони натта оила эмас. Ҳар қанча иш бўлса мана бу синглимнинг ўзидан ортайди...

Хуллас, совчи хотинлар Адолат аяни ўз гапларига қўндиришди. Тўй ҳам бир зумда ўтказилди. Бу ёни нима бўлди дерсиз?

Ўткир оддий сотувчиликдан дўкон мудирлигига ўтдию, ўзгарди қолди. Мол-дуй йиғишга ружу қўйди. Икки-уч йил деганда машина рулига ўтирди, участка қурди, ошна-оғайини кўпайди. Бир вақтлар жон-дили билан севуви Санамни мазақ қиладиган одат чиқарди...

У ўша кун ҳам уйига алламаҳалда ширнайф кириб келди. Кириб келди-ю, оstonада туриб Санамга ҳар қундай дейдиганини ўйиб бошлади:

— Ҳой «лопух», яна уйқуми? Ҳамма аёллар ишдан келган эрини пешвоз чиқиб кутиб олса-ю, сен қўзингни уйқудан очмайсан...

— Сизни кутиб, кутиб кўзим илиниб қолибди. Кеча келмадингиз, хавотир олдим. Тинчликми?

— Мен йўнаб юрганим йўқ. Хўжайин тўй қилди, тўйда хизмат қилдим.

— Қанача хўжайинлар онам ҳафтада тўй қилишди, тутилган кун қилишди. Сиз бўлсангиз кўнчи келганимиздан бери беш-ўнта кенсаларни қақриб уларнинг бир дуосини олишни ҳам ўйламайсиз. — Санам ичидегини тўнчи солиди. — Хўжайин тўй қилди дейсиз. Ҳисобчингизнинг тутилган кун бўлди дейсиз. Қилиб юрган ишларингизни билмайди, дейсизми? Ҳаммасини биламан.

— Сеннинг ҳусни-камолингга тикилиб ўтурсам менга бир сўм пулни ким беради? Мана бу дағиллама ҳашаматли уйни, енгил машинани ким беради? Вирини ечиб, бирини кийиб ишласан. Буларнинг ҳаммасига пул керак. Ҳа пул, пул! Бутун бир алоқиди битта ичкчина велостед ҳам йўқ. Пул бу обрўйинг. Пул бу қўзинг узуқлиги.

— Лекин бу дунёда ҳалоллик, тўғрилиқ яқши. — Э, нодон, нималар дейсан. Мана сеннинг отанг дунёда нима кўрди? Устидан бир қўйлак тушмай ўлиб кетди. Ҳалол ишларим деди, ҳалол бўлман деди. Унга биров раҳмат дегани йўқ, — бўш келмади ўткир.

— Бу уйлар, бу машиналар, бу пуллар сув юзидати кўпинча ўхшайди. Вақти келиб ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Чунки булар ҳаммаси бировни алдаб, бировга пайв бериб топилган.

— Энди билдим. Сен менинг хотиним эмас, ансича инсофсиз — ичимда ётган илон анкаси. Тўрт ёғинг қисбга, ҳоқлаган тарафингга кетавер. Сени уч талоқ қўйдим...

...Ту ярида Адолат аянинг дарвозаси кетма-кет тақиллади. У дарвозани бориб очганда шундоқ йўлабда уйкуси чала бўлганидан ёғиниб турган болаларини етақлаб олганча рангларни кув ўчган ҳолда Санам турарди.

«Бўлабди-да», қўнғидан ўтнади Адолат ая. Шу онда юраги қаттиқ салчиб кетганини ҳис қилди.

Турғун ЖУРАЕВ.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.



Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, 37 йилдан буйи 20-мактабда жисмоний тарбиядан сабоқ бераётган Очил ака Мухаммадиев болалар ўртасида волейболни кенг ёйишга алоҳида эътибор беради. Очил ака тайёрлаган волейболчилар жамоаси нудга кўплаб мусобобларда мактаблар шайини муносиб ҳимоя қилган. СУРАТДА: О. Мухаммадиев мактабнинг спортчи қизларини давранда. Равиля Альбеков олган сурат.

Жиноят жазосиз қолмайди ИЗЛАР БОСИЛМАСДАН

— Чошгоҳ пайти ДАНИнинг «Вахт» масаннида вазифини ўзгартириб янгиликлар тарқатишга бошлаган С. Махмудов ва янгиликлар тарқатишчи Э. Имомалиевлар қаршлариди «Жиғул» автомашинаси тўхтаганини кўриб ҳўшёр тортишди. Ундан тушган чет эл фуқароси ўзига инсбатан талончилик ҳукуми содир этилганини баён қилди. Икки нафар ходим воқеа юз берган жойга отланишди, бу ҳақда навбатчилик қисми ҳам хабардор этилди. Қўрилган чоралар натижасида босқинчи тушган «ГАЗ-24» русумли қора рангли такси автомашинаси аниқланиб, ДАН масаннида тўхтади. Текшириш давомида олдинги ўриндиқ остидан тўпнотона топилиб, жиноятни содир этишда шубҳаланилган 36 ёшли Виктор С. ушланди. Вектемир тумани ИИБДА унинг хатти-ҳаракати юзасидан жиний иш қўзғатилди.

Кеч соат санжаларда Пушкин майдонида навбатчилик қилаётган ДАН ходимлари милиция кўчини лейтенанти Р. Клевелев ва милиция натта сержанти И. Аҳмедовлар олдида ҳаллослаб югуриб келган фуқаро ҳозиргина ўзига икки нафар номазлум шахс ҳужум қилиб, пул солинган буюкларини тортиб олишганини айтди. Зулдин билан таъриб уюштирган ходимлар бировлар мулгига нўз олайтирганларнинг бирини ушлашди, уни Мирзо Улўғбек тумани ички ишлар бошқармасига топширишди. Воксинчи Валерий Н. тергов идораларида сўроқ беришни бошлаб юборди.

Нуриддин ХУҲАЕВ, Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси тарбияот бўлими ноэри, янгилик катта лейтенанти.

ТИЖОРАТ ЖАБАРАЛARI VA ЭЪЛОНЛАР

Савдо ташкилотлари раҳбарлари ва дўкон эгалари диққатига!

Хурматли жаноблар! Американинг MZ Pacific фирмаси, "ШАРҚ" НМК ва "Ал-Фаросат Технолоджи Интернэшенэл" кўшма корхонаси

Ўзбекистонда биринчи марта SAMSUNG, ROYAL, SHARP фирмаларида ишлаб чиқарилган касса аппаратларининг доимий ишлаб-турувчи савдо-кўрғазмасини ўтказди.

Маҳсулотлар Тошкент шаҳридаги омборхоналардан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига пул ўтказиш йўли билан сотилади. Кўрғазмада касса аппаратларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш маркази доимий фаолият кўрсатади. Марказ мутахассислари томонидан касса аппаратида ишловчи сотувчи-кассирларнинг малакали ўқуви ташкил этилган, шунингдек, марказда касса аппаратларини таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи мутахассислар ҳам тайёрланади.

Ўқори сифат ва тезкорлик! Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 (16-қаватли бинонинг 4-қавати). Телефонлар: 33-91-92, 32-55-18 Факс: 33-91-92 33-65-07 33-65-07

Тошкент шаҳрида ер майдонлари ижараси бўйича ТАНЛОВ 1994 йил 29 сентябрда ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ БУЙИЧА ТАНЛОВ ЎТҚАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳри ҳўкимлиги мулк қийматини баҳолаш, йўқламолаш ва турар-рой жамғармасини хўсусийлаштириш мудирлиги Тошкент шаҳрида хориклик ҳўқуқий ва жисмоний шахслар, хорик сармоядорларига эга бўлган корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга

ТАНЛОВГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚУЙИЛАДИ: 1. Тошкент шаҳри МИРОВОД тумани НУКУС (аввалги Полторацкий) кўчаси ва АФРОСИЕВ (аввалги Космонавтлар) шоҳқўчалари кесинган жойдаги ЕР МАЙДОНИ. Ижарага бериладиган ер майдони 0,35 гектарни ташкил қилади.

Ижара муддати 49 йил, 1 кв. м. учун ижара тўловининг йиллик миқдори хориклик ҳўқуқий ва жисмоний шахслар учун 22, 50 АҚШ долларини ташкил қилади, дастлабки йил давомида ижара тўловидан озод этилади, лекин ер солиғидан озод қилинмайди. 49 йиллик муддат тугагандан сўнг, ижарачининг хоҳишига кўра, ижара муддати узайтирилиши мумкин.

Тошкент шаҳрининг 12-хўдудий иқтисодий зонасида жойлашган. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ: ижарага олинган майдонда бизнес-марказ, савдо маркази ёки растан лойиҳада белгилаганидек меъёрий муддатда қуриш ва фойдаланишга кiritиши.

Ижарачилик ҳўқуқига эга бўлишнинг бошланғич баҳоси — 50.000 АҚШ доллар. 2. Тошкент шаҳри ЮНУСОВОД тумани АХМАД ДОНИШ ва Ф. АБДУЛЛАЕВ кўчалари кесинган жойдаги ЕР МАЙДОНИ. Ижарага таъин қилинадиган умумий ер майдони 0,35 гектарни ташкил қилади.

Ижара муддати 49 йил, 1 кв. м. учун ижара тўловининг йиллик миқдори хориклик ҳўқуқий ва жисмоний шахслар учун 14,50 АҚШ долларини ташкил қилади,

дастлабки икки йил давомида ижара тўловидан озод этилади, лекин ер солиғидан озод қилинмайди, 49 йиллик муддат тугагандан сўнг, ижарачининг хоҳишига кўра, ижара муддати узайтирилиши мумкин.

Тошкент шаҳрининг 8-хўдудий-иқтисодий зонасида жойлашган. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ: ижарага олинган ер майдонда савдо маркази (супермаркет) ёки ёниқ соғломлаштириш мажмуини лойиҳада белгилаганидек меъёрий муддатда қуриш ва фойдаланишга кiritиши.


Ижарачилик ҳўқуқига эга бўлишнинг бошланғич баҳоси — 30.000 АҚШ доллар. 1. Танловга ўз вақтида ариза ва бошқа зарур ҳўжатларни топширган ва ер майдонини ижарага олиш ҳўқуқига эга бўлиш учун белгилаган бошланғич баҳонинг 10 фоиз миқдоридида кафолат суммасини белгилаган тартибда тўлаган хориклик ҳўқуқий ва жисмоний шахслар, хорик сармоясига эга бўлган корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар қўйиладилар.

II. Тўловни хоҳлаган шаклда амалга ошириш мумкин. III. АРИЗАЛАР ҳар кун икки (иқшобдан ташқари) соат 9 дан 18 гача Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-қават, 1-хўнада танлов ўтказиш қайъати томонидан қабул қилинади.

Сиз бу ерда ўзингиз қизиққан барча масалалар бўйича маслаҳатлар олшингиз ҳамда ер майдонини бориб кўриб, танишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: 44-53-77, 44-53-68. Аризаларни топширишнинг охири муддати — 1994 йил 27 СЕНТЯБРЬ.

Танлов 1994 йил 29 СЕНТЯБРЬ, пайшанба кун соат 10 да бўлиб ўтади. Танлов ўтказиладиган жой: Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-қават. Танловлар ва кимодий савдоларини ўтказиш зали.

ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИ.



Аҳоли диққатига! 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ЯНГИ НАРХ БЕЛГИЛАНДИ

Фойдаланилган электр энергияси учун 1 октябрдан бошлаб 1 квт. соат учун 10 тиини ҳақ тўланади. Ҳамма абонентлар 30 СЕНТЯБРДА ўзларининг электр ҳисоблагичларидида кўрсаткични қайд қилишларини ва 1 квт. соат учун 3 тиини ҳисобидан 11 ОКТЯБРДАЧА тўлашлари ваъру.

11 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ЭЛЕКТР ҲАҚИГА ФАКАТ (1 квт. соат учун) 10 тиинидан тўланади. Иштибадан фойдаланадиган ҳамма фуқаролар учун илтибозлар сақлаб қолингиз (ойига 110 квт. соат).

ЭЛЕКТР ҲАҚИНИ ҲАР ОЙНИНГ 10 КУНИГАЧА ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧНИНГ КўРСАТИШИГА ҚАРАБ ТўЛАШ ЛОЗИМ. Сарф қилинмаган электр учун олдинда ҳақ тўлаш мақсадида электр ҳисоблагичнинг кўрсаткичини ошириб ёши таъқирланади, чунки бу, кейинчалик қайта ҳисоблашни ва изолди вазиятни келтириб чиқариши мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ.

Тошкент Архитектура-қурилиш институти ректорати, кассабу уюшмаси, Тейёрлов курси, «Ойил» ва амалий математиканс кафедраси ходимлари, кафедра доцент И. Абдунаби Абдурахимовга онаси АСОЛАТ ҚАНАБАРОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур тўзани изҳор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳўкимлиги. Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат соми - 10. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 33-29-70; 56-54-68, 32-56-66. Эълонлар ва тижорат жабарлари аниқ ва йиғилиши учун жабобгарлик қилиш берилган шайхонлик ва шайхонлик умумий қисми. Нашрин етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтаси» шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига - 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Ҳамон - 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қўроқ бивони - А-2. Нашр кўрсаткичи - 64690. "Шарқ" нашриёт-матбаа концернини босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.